

**«Фарғонадонмахсулотлари» акциядорлик  
жамияти акциядорларининг 2016 йил 22  
апрелдаги навбатдаги умумий йиғилиши  
томонидан**



**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Фарғонадонмахсулотлари» акциядорлик жамияти  
Санок комиссияси тўғрисидаги  
НИЗОМИ**

1. Умумий қоидалар.
2. Санок комиссиясининг ваколатлари.
3. Санок комиссияси ваколатлари.

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Низом «Фарғонадонмахсулотлари» акциядорлик жамияти нинг (келгусида – Жамият) санок комиссиясининг мақомини ва иш тартибини аниқлайди.

1.2. Мазкур Низом «Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва жамият уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилади.

1.4. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

1.5. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак.

1.6. Санок комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, Жамият Бошқаруви аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

**2. САНОҚ КОМИССИЯСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

2.1. Санок комиссияси ваколатларига қуйидагилар киради:

➤ Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлаш;

➤ умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтириш;

➤ овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтириш;

➤ овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда

иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлаш;

➤ овозларни санаб чиқиш ва овоз бериш яқунларини чиқариш;

➤ овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузиш;

➤ овоз бериш бюллетенларини Жамиятнинг архивига топширади.

2.2. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади.

2.3. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

### 3. САНОҚ КОМИССИЯСИ БАЁННОМАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

3.1. Овоз бериш яқунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг қворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

3.2. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун Жамиятнинг архивига топширилади.

3.3. Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

3.4. Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.